

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ, АЙБЛАНУВЧИ, СУДЛАНУВЧИ ВА БОШҚА ШАХСЛАРНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ашуров Нодир Найимович

Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судинингсудьяси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568643>

Аннотация: мазкур мақолада, одил судловни амалга оширишда ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар, яъни гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ҳамда жиноят процесси иштирокчиси бўлмаган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари, бу борадаги қонун нормаларини қўллашдаги айрим муаммолар, хавфсизлик чораларини қўллашга доир қонун нормаларини такомиллаштириш лозимлиги таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жиноят процесси, процесс иштирокчиларининг хавфсизлиги, хавфсизлик чоралари қўллаш асослари ва тартиби, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов органлари, прокурор ва суд.

Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг ривожланишида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш муҳим омил ҳисобланади. “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларация»сида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, жумладан жиноят ишларини юритишда ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга оид бир қанча нормалар мавжуд бўлиб, уларга кўра “ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга” [1, 32-33-бет].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида, “жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади”;

27-моддасида, “ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга”;

43-моддасида, “давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди”;

44-моддасида “ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади” деб кўрсатилган [2].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 270-моддасига кўра, жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга, шунингдек уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларига ўлдириш, куч ишлатиш, мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш ёхуд мол-мулкка шикаст етказиш билан ёки ўзга ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинаётир дейиш учун етарли маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда уларнинг хавфсизлиги таъминланиши ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини кўришлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 2019 йил 14 январдаги Қонунининг 1-моддасига кўра, жабрланувчиларнинг, гувоҳларнинг ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига тажовуз таҳдиди мавжуд бўлганда қўлланиладиган, жиноятларнинг олдини олишга ёки уларни фож этишга кўмаклашадиган, хавфсизлик ва ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини ўз ичига оладиган чора-тадбирлар тизимини белгилашдан, шунингдек уларни қўллашнинг асослари ҳамда тартибини аниқлашдан иборат” деб кўрсатилган [3].

Шуни назарда тутиш керакки, процесс иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва эркинларини таъминламасдан, жинойи тақибни амалга ошириш давомида уларнинг етарли даражада хавфсизлигини таъминламасдан жиноят процессининг самарадорлигига эришиб бўлмайди.

Жиноят процессуал қонунчиликни қўллаш амалиёти таҳлилларига кўра, процесс иштирокчилари, шу жумладан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг хавфсизлигини таъминлашга оид айрим қонун нормаларни такомиллаштиришни тақазо этади. Шунингдек, жиноят процесси давомида, процесс иштирокчиси ҳисобланмаган, бироқ бевосита процесси жараёнида хавфсизлиги таъминланишига эҳтиёж бўлган бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, хавфсизлигини ҳимоя қилишга оид қонун нормаларини ишлаб чиқишга зарурат туғилмоқда.

Кўплаб давлатларда процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида алоҳида қонунлар қабул қилиниб, уларда қўлланиладиган хавфсизлик чораларининг рўйхати кўрсатиб ўтилган.

Германияда 1986 йил 10 декабрда қабул қилинган “Жабрланувчиларнинг ҳимояси тўғрисида”ги, 1990 йилда қабул қилинган “Гувоҳ ҳимояси тўғрисида”ги Қонунлар жиноят судов ишларини юритишда жиноятдан жабр кўрганлар ва уларнинг оиласи хавфсизлигини таъминлаш борасидаги илк қадамлардан бири бўлди. Ушбу ҳужжатларда жиноят судлов ишларига кўмаклашувчи шахсларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган органларнинг вазифалари аниқ белгилаб қўйилди. 1993 йилдаги “Асосий гувоҳ тўғрисида”, 1998 йилдаги “Хавф таҳдид солаётган гувоҳлар ҳимоя билан таъминлаш масалаларини тартибга солиш тўғрисида”ги қонунларда гувоҳларни ҳимоя қилишга оид қўшимча чоралар (жумладан, баъзи тоифадаги гувоҳларни сўроқ қилишнинг «имтиёзли» тартиби ва бошқ.) белгиланди.[4, 23-бет]

Францияда жабрланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш масалаларини тартибга солувчи қонунларнинг бутун бир тизими амал қилади. Масалан, 1977 йилда 3 январдаги 77-5-сонли “Жиноятдан жабрланганнинг баданига шикаст етказиш оқибатидаги зарарни қоплаш тўғрисида”, 1981 йил 2 февралдаги 81-82-сонли “Шахс эркинлиги ҳимояси ва хавфсизликни кучайтириш тўғрисида”, 1983 йил 8 июндаги 83-608-сонли “Жиноятдан жабрланганлар ҳимоясини кучайтириш тўғрисида”ги қонунлар орқали жабрланувчиларнинг юридик, психологик, ижтимоий ёрдам учун компенсация олиш ҳуқуқи кафолатланади. [5, 48-бет]

Италияда 1992 йилдан буён 306-сонли “Антимафия” Декрети амал қилиб, унга кўра гувоҳни сўроқ қилиш видеокамералар ёрдамида амалга оширилиши жорий этилди. Мазкур Декрет асосан одил судловга кўмаклашишни истаган Италия мафияси – Коза ностра собиқ аъзоларининг хавфсизлигини таъминлашни назарда тутди. Гувоҳнинг қариндошларини полиция кўриқлайди. Мазкур дастур Коза нострага қақшатқич зарба берди, собиқ мафия аъзоларининг кўрсатувлари асосида кўплаб мафиозилар қамоққа олинди ёки мамлакатдан қочиб кетди.

Буюк Британияда жиноятдан жабр кўрганларга ёрдам кўрсатиш давлат жиноий судлов ишларини юритиш сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланиб, бу соҳадаги энг йирик ҳужжат “Жабрланганлар ҳуқуқлари хартияси” деб номланади. Процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш оддий полициянинг вазифалари қаторига кириб, бу соҳада фаолият юритувчи алоҳида муассасалар мавжуд эмас [6, 105-139-бет].

А.Умархоновнинг фикрича, одил судловга кўмаклашувчи шахслар, хусусан гувоҳлар ва жабрланувчилар ҳамда уларнинг яқин қариндошларига ноқонуний таъсир кўрсатиш ҳоллари кўпаяётганлиги келажакда ҳуқуқий жиҳатдан муаммоли вазият юзага келтириши мумкин. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг далиллар манбаи бўлган гувоҳлар ва жабрланувчиларни ҳимоя қилишга ҳамда илгари маълум бўлмаган хавфли ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисага қарши курашишга, унинг олдини олишга етарли даражада тайёр эмаслигидан далолат бермоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидан қониқмаслик ҳиссини юзага келтирмоқда.

Қонун чиқарувчи орган жамиятда жиноятчилик даражасининг ўсиб бораётганлигига қарамай, шахс манфаатларини муҳофаза қилиш устун вазифа эканлигини ҳисобга олган ҳолда унга қаршилик кўрсатишнинг самарали жиноий-ҳуқуқий чоралари комплексининг концептуал асосларини ишлаб чиқмаган. Бу институтлар жазолаш ва тақиқлаш устунлигига эмас балки одил судловга кўмаклашувчи шахсларнинг ҳуқуқий ва процессуал фаоллигини рағбатлантиришга таяниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг тегишли нормаларида процессга жалб қилинган шахсларнинг ҳимоясини таъминлаш механизми эмас, балки фақат процессуал чоралар (ишни ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқиш, телефон сўзлашувларини эшитиб туриш, исми шарифи ва фамилияси ўрнига тахаллусдан фойдаланиш ва ҳ.к.) қайд этилганлиги, одил судловга кўмаклашувчи шахсларнинг хавфсизлигига тажовуз қилиш ҳолларига қарши курашни тартибга солувчи нормалар мукамал эмаслиги, ушбу нормаларни қўллаш орқали гувоҳ, жабрланувчи, экспертни ҳамда процесснинг бошқа иштирокчиларини амалда ҳимоя қилиб бўлмалиги эътироф этилади [7, 3-9 бет].

Г.Тулагановнинг фикрича, Жиноят-процессуал қонунчилигида жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш масалалари процессуал мажбурулов бўлими доирасида ҳуқуқий тартибга солинганлигини инобатга олиб, ушбу процессуал институтни айнан ана шу нуқтаи назардан тадқиқ этиш лозим. Процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш институти мамлакатимизда энди

шаклланиш босқичига кирмоқда. Чунки жиноятчилик олами бугунги кунда тергов ва суд органлари адолатни қарор ҳамда ҳукмлар чиқаришига тўсқинлик қилишнинг турли шаклларида фойдаланмоқда. Агар жиноят судлов ишлари доирасига жалб этилган шахс ўзининг давлат томонидан ишончли ҳимоя қилинишига шубҳа қилса, у жиноят процесси олдидаги вазибаларни адо этиш учун жуда муҳим бўлган зарур кўрсатувларни бермайди, мақбул далилларни тақдим этмайди. Шу жиҳатдан, жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ўрганиш ҳозирги куннинг долзарб мавзуларидан бири ҳисобланади [8, 12-35-бет].

А.Тошпўлатовнинг фикрича, жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашга оид чораларни: 1) процессуал чоралар; 2) давлат томонидан амалга ошириладиган ҳимоя чораларига бўлиш зарур бўлади. Процессуал чораларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКда белгиланган яъни, ўз ҳолатига кўра процессуал ҳаракатлар ҳисобланган чоралар (телефон орқали сўзлашувларни эшитиш, таниб олиш учун кўрсатиш, ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш, дастлабки тергов материаллари билан танишиш) киради.

Давлат томонидан амалга ошириладиган ҳимоя чораларига эса жабрланувчилар, гувоҳлар, холислар, уларнинг яқинларини қўриқлаш, уларга оид маълумотларнинг сир сақланишини таъминлаш, жиний гуруҳлар, уюшмаларга қарши гувоҳлик берган шахсларни жиний жавобгарликдан озод қилиш каби чораларни киритиш мумкин. [9, 126-бет].

Шу муносабат билан, юқорида таъкидланганидек, процесс иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш институтини комплекс равишда тадқиқ этиш, жиноят процессида иштирок этувчи ёки процессда иштирок этишга жалб қилинмаган бошқа шахсларга ҳам зарурат бўлганда хавфсизлик чоралари қўлашни ягона тизимга солиш, хавфсизлик чораларининг янги турларини амалиётга киритиш, ушбу чораларга оид тушунчаларни англашнинг, тадқиқ этишнинг, қўллаш ва бекор қилишнинг методологик асосларини ишлаб чиқиш, айрим хавфсизлик чораларни қўллашда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтиришнинг қонуний асосларини яратиш зарурати яққол сезилмоқда.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 2019 йил 14 январдаги Қонунига кўра, процесс иштирокчиларининг оила аъзолари ва яқин қариндошлари ҳам ҳимоя қилинувчи шахслар бўлиши мумкинлиги, ҳимоя қилиш чоралари жиноят иши кўзғатилгунига қадар аризага, жиноят шохидига ёки жиноятнинг олдини олишга ёхуд уни фош этишга кўмаклашувчи шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган. Қонун мазмунига кўра, хавфсизлиги таъминланиши назарда тутилган шахслар тоифаси аниқ белгилаб қўйилган бўлсада, бироқ ушбу норма жиноят процесси давомида иштирокчиларнинг яқин қариндоши бўлмаган бошқа қариндошлари ёхуд умуман қариндош ҳисобланмайдиган шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, мулки ва бошқа ҳуқуқларига нисбатан содир этилиши мумкин бўлган таҳдидларни бартараф қилишни истисно қилади. Агар процесс

иштирокчиси, ўзининг қонуний мажбуриятини амалга ошириши натижасида унга яқин қариндош бўлмаган шахслар, яъни узоқ қариндошлари, таниш-билишлари ва бошқа шахсларга нисбатан бирор хавф мавжудлиги ҳақида маълумот берган ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилган ҳолларда, унинг маълумоти ва мурожати юзасидан тегишли хавфсизлик чораларини қўллаш имкони мавжуд бўлмайди. Чунки, қонунда фақат процесс иштирокчилари ва уларнинг яқин қариндошларини хавфсизлиги таъминланиши назарда тутилган. Қонундаги бундай камчилик бевосита процесс иштирокчиларининг ўз мажбуриятларини тўлақонли бажаришларига тўсқинлик қилишига сабаб бўлади.

Иккинчидан, қонунда назарда тутилган хавфсизлик чораларини гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчиларга нисбатан қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, уларнинг шахси процесснинг бошқа иштирокчиларга маълум бўлганлиги боис, уларга нисбатан ҳужжатларни алмаштириш ёки ҳимоя қилинувчи шахс тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишни чеклаш каби чоралар қўллаш имконини бермайди.

Шунингдек, иш бўйича икки ва ундан ортиқ шахслар гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи тариқасида иштирок этаётган, улардан ақали бир нафари жиноятни фош этишга кўмаклашиб келаётганлиги муносабати билан унга нисбатан бошқа жиноят иштирокчилари ёхуд манфаатдор шахслар томонидан таҳдид қилиш хавфи мавжуд бўлган ҳолларда мазкур таҳдидни олдини олиш ёки бартараф қилишга оид аниқ-чора табдирларни белгиловчи қонун нормаси мавжуд эмас. Шу боис, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятларни фош қилиш, иш бўйича далилларни аниқлаш, айбдор шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашда айрим ҳолларда ҳақиқатни аниқлашга кўмаклашиш истагини билдирган жиноят иштирокчиларининг ҳуқуқларини кафолатлашда ваколатли орган ёки мансабдор шахсларга муаммолар келтириб чиқариши мумкин.

Фикримизча, жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашда, иш ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда хавфсизлик чораларини қўллаш учун дастлаб, таҳдид ким томонидан амалга оширилишига қараб, тегишли чораларни қўллаш билан бирга таҳдид қилувчи шахсга нисбатан ҳам таъсир чораларини қўллаш лозим бўлади. Агар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи томонидан жиноятнинг бошқа иштирокчиси хавфсизлигига таҳдид амалга оширилиши ҳақида етарли асос ва маълумотлар бўлганида, унга нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш орқали таҳдид бартараф этилиши мумкин. Шу боис, ЖПКнинг 242-моддасида назарда тутилган қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш учун асослар тоифасига, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи томонидан процесс иштирокчиларига таҳдид қилинганлиги муносабати билан ҳам ушбу эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкинлигини назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчиларнинг барчасига нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилган бўлса, жиноятни фош қилишга кўмаклашаётган иштирокчи билан бошқа иштирокчиларнинг ўзаро алоқаларини чеклаш, таниб олиш, юзлаштириш тергов ҳаракатларини техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилишини таъминлаш, уларни процессуал ҳаракатлар

ўтказиладиган жойларга алоҳида-алоҳида этап қилиб олиб келиниши ва бошқа-бошқа камераларда сақланиши яхши самара беради.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид мавжуд бўлган ҳолларда, хавфсизлигини таъминлаш учун хавфсизлик чораларини қўллаш ҳақида илтимоснома бериш ҳуқуқи билан бирга, ўзига нисбатан қомоққа олиш эҳтиёт чораси қўллаш ҳақида илтимоснома бериш ҳуқуқини жиноят процессуал қонунчилигида назарда тутиш лозим. Жабрланувчининг вафоти билан боғлиқ айрим ишларда, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳаёти ва соғлиғига жабрланувчининг қариндошлари ёки бошқа шахслар томонидан таҳдид мавжуд бўлганда, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ўзига нисбатан қомоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш орқали унинг хавфсизлиги таъминланиши ва жабрланувчининг вакиллари таҳдид қилишдан тўхташлари мумкинлиги ҳақида ваколатли органга ёки мансабдор шахсга мурожаат қилиш ҳоллари амалиётда учраб туради. Жиноят процессуал қонунчилигига кўра, шахсга нисбатан қомоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида фақатгина прокурор томонидан илтимоснома берилиши мумкинлиги, бу масала суд томонидан ҳал этилиши назарда тутилган бўлиб, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид амалга оширилишини олдини олиш мақсадида ўзига нисбатан қомоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашни сўраб илтимоснома бериш ҳуқуқини қонун нормаларида акс эттириш, келгусида унинг хавфсизлигини таъминлашга ҳамда бошқа шахслар томонидан ҳуқуқбузарлик ёхуд жиноят содир этилишини олдини олишга хизмат қилади.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасига кўра, терговга қадар текширувни амалга оширувчи, суриштирув, дастлабки тергов органлари, прокурор, суд шахсга нисбатан таҳдид ёки бошқача ғайриқонуний қилмиш содир этилиши таҳдиди мавжудлиги тўғрисидаги аризани (хабарни) олгач, ушбу аризани (хабарни) текшириб кўриши ва бу шахсга нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисида ёхуд уларни қўллашни рад этиш ҳақида уч сутка ичида, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда эса дарҳол қарор (ажрим) қабул қилиши шарт.

20-моддасига кўра, хавфсизлик чораларини қўллашнинг ушбу Қонуннинг [16-моддасида](#) кўрсатилган асослари бартараф этилган тақдирда, шунингдек хавфсизлик чораларини таъминловчи орган ҳимоя қилинувчи шахс билан ушбу Қонун 18-моддасининг [олтинчи қисмига](#) мувофиқ тузган келишув шартларининг ҳимоя қилинувчи шахс томонидан бузилганлиги оқибатида хавфсизлик чораларини кейинчалик қўллаш имконсиз бўлган тақдирда, хавфсизлик чоралари бекор қилинади.

Мазкур қонуннинг нормаларига эътибор қаратадиган бўлсак, хавфсизлик чораларни амал қилиш муддатини, қўлланилган чораларни ўзгартиришни тартибга солувчи қодалар мавжуд эмас.

Қонун мазмунига кўра, хавфсизлик чораларини қўллаш, ўзгартириш ёки бекор қилишни сўраб берилган ариза юзасидан масъул орган (мансабдор шахс) томонидан фақатгина хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисида ёки қўллашни рад қилиш тўғрисида, ёхуд қўлланилган хавфсизлик чораларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкинлиги қайд қилинган.

Бироқ, шахсга нисбатан илгари қўлланилган хавфсизлик чорасини бошқасига ўзгартириш ёхуд шахсга нисбатан бир нечта хавфсизлик чоралари қўлланилган бўлса, улардан айримларини бекор қилиш зарурати бўлганда, ваколатли орган хавфсизлик чораларини бошқасига ўзгартириш, илгари қўлланилган хавфсизлик чораларидан айримларини бекор қилиши мумкинлиги ҳақида норма қонунда мавжуд эмас.

Бундан ташқари, Қонуннинг [16-моддасида](#) кўрсатилган асослар бартараф этилган тақдирда, шунингдек хавфсизлик чораларини таъминловчи орган ҳимоя қилинувчи шахс билан тузган келишув шартларининг ҳимоя қилинувчи шахс томонидан бузилганлиги оқибатида хавфсизлик чораларини кейинчалик қўллаш имконсиз бўлган тақдирда, хавфсизлик чоралари бекор қилиниши мумкин. Бироқ, шахсга нисбатан қўлланилган хавфсизлик чораларини қонунда аниқ муддатини белгиламаслик, шахснинг ҳуқуқ ва эркинлари чекланиши билан бир қаторда, бундай чораларни асоссиз равишда қўлланилиб келинишига сабаб бўлади.

Масалан, шахсга нисбатан вақтинчалик хавфсиз жойга жойлаштириш тўғрисида хавфсизлик чораси қўлланилди. Қарорда аниқ муддат кўрсатилмаслиги оқибатида, шахс ойлаб, йиллаб бошқа жойларда сақланилишига олиб келади. Шунингдек, шахснинг мол-мулкни кўриқлаш чорасини қўллашда аниқ муддат белгиламаслик, хавфсизлик чораларини таъминловчи органларнинг куч ва воситаларидан самарасиз фойдаланилишига олиб келади.

Фикримизча, шахсга нисбатан қўлланилган хавфсизлик чораларини ўзгартириш, қисман бекор қилиш, шунингдек хавфсизлик чораларини муайян муддатга, таҳдид бартараф этилгунга қадар бироқ, терговга қадар текширув, дастлабки тергов якунига қадар ёхуд суднинг ҳукми қонуний кучга киргунга қадар белгилаш ва ушбу чораларни заруртга қараб, муайян муддатга узайтириш тўғрисида аниқ қонун нормаларни белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 1-моддасига кўра, Республика ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби ЖПК билан белгиланиши, жиноят ишларини юритишнинг ушбу Кодексда белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурийдир. [10, 4-бет].

Кодекснинг ушбу моддаси мазмунидан келиб чиқиб, жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш, уларга нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш, қўлланилган чораларни ўзгартириш, бекор қилиш жиноят ишларини юритишнинг ягона тартибини белгиловчи Жиноят-процессуал кодекси билан белгиланиши шарт.

Фикримизча, келгусида Жиноят-процессуал кодексининг 32-бобига тегишли қўшимча ўзгартириш киритиш орқали, процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш механизмини тартибга солувчи жиноят процессида масъул бўлган давлат органлари, мансабдор шахслар ва процесснинг барча иштирокчилари учун мажбурий бўлган ягона ва мукамал қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, процесс иштирокчиларини, жумладан, жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар ҳамда жиноят процессига жалб қилинмаган бошқа шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича

қонун нормаларини такомиллаштириш гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ҳамда жиноят процесси иштирокчиси ҳисобланмаган бошқа шахсларга ўлдириш, куч ишлатиш, мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш ёхуд мол-мулқига шикаст етказиш билан ёки ўзга ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинишини олдини олишга, содир этилиши мумкин бўлган таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш орқали уларнинг хавфсизлигини таъминлашга, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлашга, шунингдек процесс иштирокчиси сифатида ўз мажбуриятларини бажаришларига, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга кўмаклашишларига хизмат қилади.

References:

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. –Т.: Адолат, 2004. –Б.32-33
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Constitution.uz/uz/clause/index/
3. Ўзбекистон Республикаси Миллий қонунчилик базаси онлайн платформаси www.lex.uz/docs/4159913.
4. Новикова.М.Н. Обеспечение безопасности участников уголовного судопроизводства как гарантия осуществления правосудия в современных условиях: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. –Екатеринбург: Уральский юридический институт МВД России, 2006. 23-бет.
5. Меньших.А.А. О возмещении ущерба жертвам преступлений во Франции. // Журнал российского права. -1999. -№9. 48-бет
6. Вавилова.Л.В. Организационно-правовые проблемы жертв преступлений (по материалам зарубежной практики): Дисс.... канд. юрид. наук. –М.: 1995., 105-139-бетлар.
7. Умархонов.А.Ш. Одил судловга кўмаклашувчи шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий чораларни такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фанлари номзодидисс. автореферати. –Т.: ИИВ Академияси, 2004. –Б.3-9.
8. Тулаганова.Г.З., Матмуротов А.Р., Мавланов К.Т. Жиноят процессида шахс хавфсизлигини таъминлаш. Рисола. – Т: ТДЮИ, 2016. – 12-35 бетлар.
9. Тошпўлатов.А.И. Ёлғон гувоҳлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари: Юрид. фанлари номзодидисс., 2008., 126-бет.
10. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. Адолат 2021 йил. 4-бет
11. www.lex.uz.
12. www.norma.uz